**“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”**
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
2021 йил “___” 14/1 сон
Марказий банк раисининг
биринчи ўринбосари
_____________ Б.Э. Захидов

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**
“Пойтахт банк” АЖ ягона
акциядорининг 2021 йил 09
ноябр даги 105/08кр сонли
навбатдан ташқари умумий
йиғилиши баённомаси
_____________ А.Ж. Ортиқов

# “ПОЙТАХТ БАНК” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР

**Тошкент – 2021 й.**

**“Пойтахт банк” акциядорлик жамиятининг уставига киритилаётган ўзгартиришлар матни**

**1. Банк уставининг 1.1.-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:**

“1.1. “ПОЙТАХТ БАНК” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда матнда “Банк” деб аталади) тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 мартдаги ПҚ-2824 сонли “Тошкент шаҳрида 2017-2021 йилларда кенг қамровли қулай кўп квартирали уй-жойларни қуришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига асосан ташкил этилган.”

**2. Банк уставининг 13.4.-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:**

“13.4. Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси - Банк акциядори деб эътироф этилади.”

**Бошқарув раиси** **М.Х.Тахиров**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT AKTIVLARINI
BOSHQARISH AGENTLIGINING
**[Y]AGONA AKSIYADOR (ISHTIROKCHI) QARORI**

[20]21 йил "09" ноябрь № 105/08-кр Toshkent sh.

**"Пойтахт банк" АЖ кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш ва банк уставига ўзгартириш киритиш тўғрисида**

"Пойтахт банк" АЖ ягона акциядорининг қарори Ўзбекистон [Р]еспубликаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқукларини [ҳ]имоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 58-моддасига асосан [р]асмийлаштирилди.

**КУН ТАРТИБИ:**

**1."Пойтахт банк" АЖ кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.**

**2."Пойтахт банк" АЖ тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.**

**3. "Пойтахт банк" АЖ уставига ўзгартириш киритиш.**

**Йиғилиш кун тартибидаги биринчи ва иккинчи масалалар бўйича**

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги 356-сон қарори [т]алабларидан келиб чиқиб, банк кенгаши таркибига номзодлар Вазирлар [М]аҳкамаси билан келишилиб *(Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил [2]8 октябрдаги 02/1-2357-сон топшириғи)* Давлат активларини бошқариш [аг]ентлигининг 2021 йил 30 октябрдаги 4649/03-08-сонли хати билан банк [ке]нгаши ва тафтиш комиссияси таркибига қуйидаги номзодлар таклиф [қ]илган:

**Кузатув кенгаши:**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Мухаматкулов Акрам Мамажанович | - | Давлат активларини бошқариш агентлиги Йирик давлат активларини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш департаменти бошлиғи в.б.; |
| 2. | Хусанов Нодирбек Джуммаевич | - | Давлат активларини бошқариш агентлигининг Баҳолаш ва риэлторлик фаолиятини мувофиқлаштириш департаменти бошлиғи; |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 3. | Сайфутдинов Шерхон Сафарбаевич | - | Молия вазирлиги бўлим бошлиги; |
| 4. | Ниязимбетов Сулаймон Юсупбаевич | - | Вазирлар Маҳкамаси бош мутахассиси; |
| 5. | Ортиқов Худайберган Азимбойевич | - | Тошкент давлат иктисодиёт университети ҳузуридаги “Ўзбекистон иктисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот марказининг сектор мудири. |

**Тафтиш комиссияси:**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Ахмедов Жамшид Рустамович | - | Давлат активларини бошқариш агентлиги гуруҳ раҳбари; |
| 2. | Исроилов Дилшодбек Рустамович | - | Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиги; |
| 3. | Юнусов Шоввозбек Шавкат ўғли | - | Давлат активларини бошқариш агентлиги бош мутахассиси. |

**Йиғилиш кун тартибидаги учинчи масала бўйича**

Давлат мулкини сотиш бўйича тендер савдоларини ўтказувчи Давлат комиссиясининг 2021 йил 28 апрелдаги 01-02/1-2357-сон йиғилиш баёнига асосан “Пойтахт банк” АЖ устав фондидаги 100 фоиз улуш кейинчалик хусусийлаштириш мақсадида Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказилган.

Шунга кўра, “Пойтахт банк” АЖнинг уставига иловага асосан тегишли ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Юкоридагиларни инобатга олган ҳолда ҳамда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конуннинг 60-моддасига асосан “Пойтахт банк” АЖ ягона акциядори **қарор қилади:**

1.1. “Пойтахт банк” АЖ кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар қуйидаги таркибда сайлансин:

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Мухаматкулов Акрам Мамажанович | - | Давлат активларини бошқариш агентлиги Йирик давлат активларини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш департаменти бошлиғи в.б.; |
| 2. | Хусанов Нодирбек Джуммаевич | - | Давлат активларини бошқариш агентлигининг Баҳолаш ва риэлторлик фаолиятини мувофиқлаштириш департаменти бошлиги; |
| 3. | Сайфутдинов Шерхон Сафарбаевич | - | Молия вазирлиги бўлим бошлиғи; |
| 4. | Ниязимбетов Сулаймон Юсупбаевич | - | Вазирлар Маҳкамаси бош мутахассиси; |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 5. | Ортиков Худайберган Азимбойевич | - | Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги "Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари" илмий-тадқиқот марказининг сектор мудири. |

1.2. "Пойтахт банк" АЖ бошқарув раиси (Тахиров) банк кузатув кенгашига сайланган номзодларни Ўзбекистон Республикаси "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг 36-моддаси талабларига асосан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилишини таъминлансин.

2. "Пойтахт банк" АЖ тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар қуйидаги таркибда сайлансин:

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Ахмедов Жамшид Рустамович | - | Давлат активларини бошқариш агентлиги гурух раҳбари; |
| 2. | Исроилов Дилшодбек Рустамович | - | Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиғи; |
| 3. | Юнусов Шовнозбек Шавкат ўғли | - | Давлат активларини бошқариш агентлиги бош мутахассиси. |

3. "Пойтахт банк" АЖ уставига киритиладиган ўзгартириш матни иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**Директор** А.Ортиқов

...rlik Jamiyati
...рное общество
...k Company

Poytaxt Bank

...-11/1955

... 11 ... 20 21 yil

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Раисининг
биринчи ўринбосари
**Б.Э. Захидовга**

**Ҳурматли Ботир Эркинович,**

"Пойтахт банк" акциядорлик жамияти ягона акциядорининг ...21 йил 9 ноябрдаги 105/08кр-сонли Қарори билан тасдиқланган, банк ...тавига киритилган ўзгартиришлар матнини белгиланган тартибда ...йхатдан ўтказиш учун иловага мувофиқ киритилмоқда.

Илова:

1. *Банк ягона акциядорининг 2021 йил 9 ноябрдаги 105/08кр-сонли ...арори;*
2. *"Пойтахт банк" АЖ уставига киритилган ўзгартиришлар ...атни (3-нусхада).*

Ҳурмат билан,

**Кузатув кенгаши раиси** **Н. Хусанов**

O'zbekiston Respublikasi
Markaziy banki
The Central Bank of the
Republic of Uzbekistan
KEL. №
INCOM. No

19 11 2021

...kent Shahri, Chilonzor tumani,
...ov ko'chasi, 55-uy. Tel: (71) 214-20-00
info@poytaxtbank.uz
www.poytaxtbank.uz

**Тикилган ва рақамланган**

6 ( олти )

варақдан иборат

06 декабрь 2021 йил

Имзо

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI
THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
Devonxona